



**Андоза олиш (таққослаш) интерфаол усулида машғулот ўтиш.**

**Моделирование (сравнение) интерактивного обучения.**

**Modelling (comparison) of interactive training.**

*Юсунов Хамза Сафарович*

*Фозилова Нигора Собиржонова*

**Аннотация:**

**Мақсад:** Талаба ва ўқувчиларни ўқитишда ўзи билган, ҳис эта олган ва олдин бажарган энг содда ва кичик деталлар ҳамда уларнинг ўзаро мувофиқликда ишлашини мисол сифатида кўрсатиб ҳамда ундан андоза олишни ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:** Ўтилаётган мавзунини о ва сон тўлиқ ўзлаштириш. Интерфаол методлар деганда-таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади.

**Калит сўзлар:** Интерфаол усуллар. Интерфаол таълим.

**Аннотация:**

**Цель:** Научить школьников и учеников учиться, показывая и моделируя самые простые и мельчайшие детали, которые они знают, чувствуют и делали раньше, и то, как они гармонично работают.

**Ожидаемый результат:** Легкое и полное освоение предмета.

Интерактивные методы означают методы, которые активизируют учащихся и побуждают их мыслить независимо, при этом учащиеся находятся в центре образовательного процесса. Когда используются эти методы, учитель побуждает к активному участию. Учащиеся участвуют на протяжении всего процесса.



**Ключевые слова:** Интерактивные методы. Интерактивное образование.

**Annotation:**

**Purpose:** To teach pupils and students to learn by showing and modelling the simplest and smallest details that they know, feel and have done before and how they work in harmony.

**Expected result:** Easy and complete mastery over the subject. Interactive methods are the ones that make learners active and encourage them to think independently, with the learner at the center of the educational process. When these methods are used, the teacher encourages the learner to actively participate. The learner is involved throughout the process.

**Keywords:** Interactive methods. Interactive education.

**Асосий қисм:** а). Андоза сифатида дурадгор устанинг энг оддий мих қоқиш амалиётини ўрганамиз. Бунда, олдин жараёнда иштирок этувчи деталлар тузилишини, кейин уларнинг ўзаро мувофиқликда ишлашини ўрганамиз.

Хара кат кетма – кетли ги	Дурадгорнинг энг оддий мих қоқиш амалиётини ўрганамиз	
	Сўзда ифодаланиши	Расмда Ифодаланиши
1.	Мохир дурадгор уста бир қанча иш (детал)ларни муккамал бажара олиши лозим: масалан: мих қоқиш, арралаш, шрупни бураш, болт қотириш, қияликни аниқлаш.....	



<p>2.</p>	<p>Энди шулардан битта мих қоқиш ишини майда деталигача ўрганмиз.</p>	
<p>3.</p>	<p>1.Уста мих қоқишдан олдин михнинг тузилишини ўрганеди:</p>	
<p>4.</p>	<p>2.Кейин михни қоқувчи болгани ўрганеди:</p>	
<p>5.</p>	<p>3.Мих ва болға тузилишини ўрганиб бўлгач, энди мих қоқиш техникасини ўрганеди:</p>	
<p>6.</p>	<p>Уста ҳар 100та мих қоқганда, тахминан 98-99таси тўғри, бир хил стандарт қоқилиб-ижобий натижа беради. 1-2 таси турли сабабларга қайрилиб кетиши мумкин. <i>Бир хилдаги ишни бажариш вақтида онда-сонда бўлсада,</i></p>	<p><b>МОҲИР УСТА</b></p> <p><b>98-99% ИЖОБИЙ /</b></p> <p><b>1-2% САЛБИЙ НАТИЖА</b></p>



<p><i>кутилмаган ўзгариш холатлари ҳам учраб туради.</i></p> <p>Бу устанинг маҳорати, яъни устанинг кўп марта мих қоқиш тажрибасини оширганига боғлиқ. Устанинг тажрибаси ошиб боргани сари самарадорлиги, яъни михнинг қайрилиши сони камайиб ҳам боради. ( албатта бу ерда сифатли михни танлаш ҳам ҳисобга олинади).</p>	
<p><b>7</b> <b>Мих қайрилиш сабабларини ўрганиш</b>(<b><u>хатолар устида ишлаш</u></b>).</p> <p>-мих сифатини пастлиги ёки тўғританланмаган мих;</p> <p>-қоқилаётган тахта қаттиқлиги.</p> <p>-мих бошчасига болғани нотўғри бурчакдан уриш...;</p> <p>Булар келгусида такрорланмаслиги учун қайта шу хатоларни қилмасликка ҳаракат қилади, яъни хатолари устида ишлайди.</p>	

**Асосий қисм:** б). Тиббиёт институти 1-курсларида дарс ўтишда энг содда мушак ичи инъекциясидан андоза олиш интерфаол усулини татбиқ этиш.



<b>Андоза оламиз. Сўзда ва расмда ифодаланиши</b>	
<p><b>1.</b> Тиббиётда олий маълумотли врач , нафақат ўз мажбурияти, балки кичик ва ўрта тиббиёт ходимларини ишини сифатини текшира олиши учун олдин ўзи ҳам бажара олиши лозим.</p>	
<p><b>2.</b> Кичик тиббит ходими мажбуриятига касалхона тозалиги киргани сабаб, ўрта тиббиёт ходимининг мажбуриятинидан бири - мушак ичи инъекциясини ўрганамиз.</p>	
<p><b>3.</b> Беморнинг касаллик тарихидан ва даволаш варақасидан беморга врач томонидан белгиланган вена томири ичи инъекциясининг номи, миқдори, вақти-қачон қилиниши, неча марта қилишини, даволаш курси давомийлиги ўқилади ( агар антибиотик бўлса, тери ораси синамасига эътибор берилади).</p>	



<p>4.</p>	<p>Врач томонидан тайинланган дори флакони олиниб, дори номи, чиқарилган йили ва ярқилик муддати, идишни бутунлиги, ташқи кўринишида чўкмалар йўқлиги текширилади. ( АГАР ОЛДИН АМПУЛАНИ ТУЗИЛИШИ ВА ҲАР БИР ДЕТАЛИ ЎРГАНИЛМАГАН БЎЛСА, ҚЎШИМЧА ЎРГАНИЛАДИ ҲАР БИР ДЕТАЛГА ЭЪТИБОР БЕРИЛАДИ).</p>	
<p>5.</p>	<p>Тавсия этилган дорининг куттиси ичидаги йўриқномасини ўқиб қўллашга кўрсатма, бериши мумкин бўлган асоратлари, ножия таъсири, қарши кўрсатмалари ўқилиб, бемордан сўраб аниқлик киритилади. масалан: АНАЛЬГИН 2 мл 50% N10 инъекция учун эритмаси.</p>	
<p>6.</p>	<p>Инъекциялар қиланадиган жойи( тери, мушак, қон томирга нисбатан)га кўра 3 турга бўлинади : тери(тери усти, тери ораси, тери ости), мушак орасига, томир ичига ( вена қон томирига( секин аста ва томчилаб ), артерия томирига-солденгер усули).</p>	<p style="text-align: center;"><b>ВИДЫ ИНЪЕКЦИЙ</b></p>





<p><b>7.</b></p>	<p>Мушак ичи инъекциясини ҳам тана қисмига кўра елка, сон, думба соҳаларига бўлинади.</p>
<p><b>8.</b></p>	<p>ҲАР БИР ДЕТАЛГА ЭЪТИБОР БЕРИШ: Ампулани хавсиз очиш. (1-ампула буйин қисм нуқтаси, 2-чизиқ, 3-белгисиз- кучсиз жойини топиш орқали спиртли пахта билан букиб очиш</p>
<p><b>9.</b></p>	<p>ҲАР БИР ДЕТАЛГА ЭЪТИБОР БЕРИШ: Бир марталик шприц. Танланган шприц сифими мақсад қилинган дори сифимига мос келиши лозим. Шприц игнаси узунлиги ва диаметрига эътибор бериш лозим.</p>



**10. Инъекция қилиш алгоритми:**

-врач тавсия этган дори ампуласи олинади . номи, ярқилик муддати ўқилади;

-дори сифати бузилмагани текширилади;

-Ампула дан дорини олиш қисми ( буйинчаси ) спиртли пахта билан артилиб, кесиб очилади;

- олиниси лозим бўлган дорига мос сизимли стерил-бир марталик шприц олиниб, очилади;

-ампуладаги дори шприцга тортилади;

-беморга мушак ичи инъексияси мўлжалланган жойи очилиб, спиртли пахта билан артилади;

-шприцдаги дорини мақсад этилган мушак ( думба, елка, сон...) соҳасига 90 ° бурчак остида инъекция қилинади;

- дори юбориб бўлингач, игна олиниб, ўрни спиртли пахта билан қайта артилиб, кийими кийдирилади;

- ишлатилган ампула қолдиғи, шприц ва пахталар белгилан тарзда алоҳида тиббий чиқиндилар қуттиларига ташланади;

- дорини беморга тавсия этилган жойга, қилингани тўғрисида белги қуйилади.

(- дори инъекцияси вақтида турли эрта ёки кечки аллергия ёки бошқа асорат белгилари юзага келганда врач чақирилиб, тез тиббий ёрдам кўрсатилади, касаллик тарихига асорат тўғрисида белги қуйилади.).

-Ҳар бир амалиётда юқори сифатга эришиш учун камида шу амалиётни 500 марта мустақил бажариб, тажриба ортириши лозим;

-Битта амалиётни қанчалик кўп бажариб, тажриба оширишга қарамасдан, амалиёт вақтида кам бўлсада турли қутилмаган ҳолат (хато ва камчилик)лар учраши мумкин;

- - - масалан мушак ичи инъекцияси соҳаси анатомик аномалиялари, ривожланмагани...





<p>- - -мушак ичи инъекциясида мушакга қадалган игна учини қон томирга тушиб қолиши;</p> <p>- - -мушак ичи инъекциясида мушакга қадалган игна учини мушак ичида синиб қолиши ;</p> <p>- - -мушак ичи инъекциясидан кейинги инфилтрат ёки абсес ривожланиши.</p> <p>--- ...</p>
--

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Интерфаол методлар: мохияти ва кўпланилиши / Методик кулланма. Тузувчилар: Д.Рузиева, М.Усмонбоева, З.Хрликова. - Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. - 136 бет.
2. б-мавзу: Интерфаол таълим методлар ва уларни таълим-тарбия жараёнида қўллаш. <https://staff.tiiame.uz/storage/users/167/presentations/>
3. Р.Ишмухамедов, М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методистлар, уқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун уқув кулланма) -Т.: 2013. -279 б.
4. Хидоятова Д.А. Интерфаол методлар / услубий қўлланма / Д.Хидоятова. – Тошкент:«ABU MATBUOTKONSALT», 2015. – 44 б.